

Ўзбекистонда давлат ва хусусий шерикликнинг ҳуқуқий асослари

Мазкур мақолада Ўзбекистонда давлат ва хусусий шериклик муносабатларини жорий қилиш мақсадида яратилаётган ҳуқуқий асослар ва уларнинг қисқача мазмуни тўғрисида сўз юритилади, қонун ҳужжатлари юридик кучига қараб эмас хронологик кетма-кетликда берилади.

Давлат ва хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш бозор иқтисодиёти жараёнида ва ҳуқуқий демократик давлат куриш учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий восита деб баҳоланди. Ўзбекистон Республикасида 2016 йилдан бошлаб давлат ва хусусий шериклик муносабатларини ҳаётга олиб кириш бошланди.

Давлат бош ислохатчи деган принципдан келиб чиққан ҳолда, давлат ўзи мазкур соҳага жуда катта эътибор қаратди ва давлат органлари олдига давлат ва хусусий шериклик муносабатларини Ўзбекистонда тадбиқ қилиш, бунинг учун аввало унинг ҳуқуқий асосларини яратиш масаласи қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4848-сон Фармони [1] билан тасдиқланган Дастурда “Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги № ПҚ-2752 сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори [2] билан тасдиқланган “2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича ДАВЛАТ ДАСТУРИ”да белгиланган коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий чора-тадбирлардан бири сифатида давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаат келтирувчи ҳамкорликнинг қонуний асосларини назарда тутувчи “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланди.

Мана шу икки ҳужжат Ўзбекистонда давлат ва хусусий шериклик муносабатларини яратиш ва уни ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу дастурларда назарда тутилган “Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тегишли ижрочилар томонидан ишлаб чиқилган ва муҳокамадан ўтган бўлса-да, ҳали қабул қилинмади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу ва бошқа давлат дастурлари ҳамда ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ва хусусий шериклик муносабатларини тартибга солувчи тўғридан тўғри қонун нормалари ишлаб чиқилмасдан, фақат мазкур муносабатларни ривожлантириш зарурлиги, қайси соҳаларда

бундай муносабатлар амал қилиши кераклиги каби умумий масалалар кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони [3] билан тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ”нинг биринчи йўналиши – Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, учинчи йўналиши – Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, тўртинчи йўналиши – Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида давлат ва хусусий шериклик муносабатларини ривожлантириш назарда тутилган. Уларда:

- мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этиш;

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини тартибга солишда давлат иштирокини камайтириш, давлат бошқаруви тизимини марказлаштиришдан чиқариш ва демократлаштириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, нодавлат, жамоат ташкилотлари ва жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш;

- аҳолига мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш масалалари назарда тутилган.

Мазкур Фармоннинг 8-илоvasи сифатида тасдиқланган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ”нинг 13-бандида давлат ва хусусий шериклик (ҳамкорлик) шакллари кенгайтиришга қаратилган «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг 2017 йилнинг 3-чорагига қадар Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Олий ҳўжалик суди, Давлат рақобат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси томонидан ишлаб чиқилиши ва лойиҳада давлат ва хусусий шериклик тушунчаси, вазифалари ва асосий йўналишлари, иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бу борадаги лойиҳалар амалга ошириладиган устувор соҳалар тартибга солиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат

кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” Қарорига [4] 1-илова сифатида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тўғрисида НИЗОМ”нинг 10-бандида вазирлик ўзига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ, бир қанча функциялар қаторида, ҳамкорликнинг турли шакллари, чунончи, давлат-хусусий шерикликдан фойдаланган ҳолда, янги бошқарув услубларини ишлаб чиқади ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимига, хусусан, ичимлик сув таъминоти ва канализация соҳасига, шу жумладан қишлоқ жойларда жорий этиш функциясини амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон *“Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”* Фармонида [5] мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тизимини тубдан қайта ислоҳ этиш назарда тутилган бўлиб, Фармоннинг 4-бандига биноан Савдо-саноат палатасига бир қанча ҳуқуқлар берилади. Жумладан, эндиликда Савдо-саноат палатасига давлат активларини хусусийлаштириш, жумладан давлат мулки объектларини “ноль”га тенг харид қиймати бўйича сотиш, шунингдек, давлат органлари ва давлат хизматларининг айрим функцияларини хусусий секторга бериш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш тўғрисида таклифлар тақдим этиш ҳуқуқи берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли *“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”*ги Фармонида [6] ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чеклаётганлиги ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаётганлиги алоҳида таъкидланган, шу сабабли ушбу Фармоннинг 2-бандининг “в” кичик бандида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштиришни назарда тутган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислохотларнинг асосий йўналишлари ва вазифаларидан бири эканлиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли *“Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”* Қарорининг [7] муқаддимасида мактабгача

таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаганлиги алоҳида таъкидланиб, Қарорнинг 2-бандида 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилиши белгилаб қўйилган. Шартлардан бири – инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга оширишдир.

Қарорнинг 10-бандида эса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши кўрсатилган.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тез орада мазкур соҳада давлат ва хусусий шериклик муносабатларини тартибга солувчи ҳукумат қарори қабул қилинади ҳамда унда мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмлари белгилаб берилади. Айнан мана шу қарорда давлат ва хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг шартларини киритиб кетиш ҳам мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли *“Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги Фармонида [8] 1-илова сифатида тасдиқланган *“Ўзбекистон Республикасида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”*”да ҳам бир неча ўринларда, мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида, давлат-хусусий шериклик механизмларидан фойдаланилиши айтиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 8-сонли *“Тошкент шаҳридаги бассейнлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”* Қарорининг [9] муқаддимасида Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарорни, бир нечта мақсадлар каторида, бассейнлардан самарали фойдаланишда давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш мақсадида қабул қилаётганлиги таъкидланган.

Мазкур Қарор нормаларига кўра Тошкент шаҳрида жойлашган давлат таълим муассасаларининг бассейнлари хатловдан ўтказилади ва давлат ва хусусий шериклик асосида фойдаланишга берилади. Агар мазкур эксперимент яхши натижа берса, кейинчалик бутун Ўзбекистонга жорий қилиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли *“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини*

ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ тўғрисида”ги Фармонига [10] илова сифатида тасдиқланган ДАСТУРдаги амалга ошириладиган тадбирларнинг бир қанчаси давлат ва хусусий шериклик муносабатларига оиддир, жумладан, унда қуйидаги тадбирлар назарда тутилган:

- Давлат-хусусий шериклик муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий ва институционал базасини шакллантириш;

- Худудларда замонавий ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни, жумладан, давлат-хусусий шерикликни кучайтириш орқали тўлиқ амалга ошириш;

- Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш;

- Эксперимент натижасига кўра, республиканинг барча худудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- Давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида аҳоли яшаши ва дам олиши учун худудларда замонавий ҳамда юқори технологик истироҳат боғларини қуриш ва “яшил худудлар”ни яратиш.

Шундай қилиб, юқоридаги қонун ҳужжатлари давлат ва хусусий шериклик муносабатлари вужудга келаётган соҳаларни аниқлаб бермоқда. Келажакда эса ушбу соҳалар кўпаяди ва уларнинг ҳаб бири учун алоҳида қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилади.

Юқорида келтириб ўтилган, давлат ва хусусий шериклик муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асослар умумий характерга эга бўлиб, уларда мазкур муносабатларнинг аниқ механизмлари келтирилмаган. Шу сабабли ҳам давлат ва хусусий шериклик муносабатларининг фуқаролик-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш керак бўлади. Яъни қонун ҳужжатларида назарда тутилган давлат ва хусусий шериклик тўғрисидаги битим, келишув ва шартномаларнинг аниқ қоидалари ва шартлари ишлаб чиқиши керак. Бунда кўп жиҳатдан фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидаларига таянилса-да, унинг нормалари асос қилиб олинса-да, ўз хусусиятларига эга бўлган давлат ва хусусий шериклик тўғрисидаги шартнома боби ишлаб чиқиши керак ва у Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мажбуриятнинг алоҳида турларидан бири сифатида киритилиши керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини

таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–4848-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги № ПҚ-2752 сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июндаги 340-сон “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда “Коммунхизмат” агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сон “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 8-сонли “Тошкент шаҳридаги бассейнлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид ДАВЛАТ ДАСТУРИ тўғрисида”ги Фармони.

Электрон ресурс:

1. lex.uz.